

## СУИЦИДАЛ ХУЛҚ - АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИЯДА ДОЛЗАРЪ МУАММО СИФАТИДА

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10038077>

**Ашуров Бехруз Зарифович**

*Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги*

XIX аср бошларидан буён жаҳон миқёсида суицид ҳодисаси даражасининг доимий ўсиб бориш характерига мувофиқ Республикамизда ҳам ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Расмий статистикага ўз жонига қасд қилишнинг яширишни иложи бўлмайдиган ҳодисаларинигина кириши ҳисобга олинса, ҳаётда кўп учрайдиган, бахтсиз ҳодиса деб баҳоланадиган (дори воситаларидан заҳарланиш, авариялар, юқоридан йиқилиш ва ҳ.к.) ҳолатлар ҳам аслида суицид бўлиши мумкинлигига эътибор қаратиш муҳимдир.

Эркаклар ва аёлларнинг суицидга уриниш даражаси бир хилда, тенг эмас. Хотин-қизлар таъсирчан ва стрессга чидамсизроқ бўлганликлари учун эркакларга нисбатан 4 марта кўп суицидга уринадилар, фақат улар “енгилроқ” усулларни танлаганлари сабабли аксарият ҳолларда тирик қоладилар.

Ушбу суицидент аёлларнинг ҳар иккитасидан деярли биттасининг оиласи, турмуш ўртоғи, фарзандлари борлигини назарда тутсак, суициднинг оилага, оиланинг психологик муҳитига қолаверса, жамият ривожланишига зид бўлган маънавий, моддий зиёни, руҳий жароҳат етказди.

Ижтимоий ҳаётда табиий равишда юзага келадиган кризисни ижтимоий малакалари, психологик хусусиятлари ёрдамида енга олмаган хотин-қизлар ўзига хос (деструктив) усул, ҳаётга йўналиш сифатида - агрессивлик, зиддиятчилик, касалликка берилиш, мослашмаслик, алкоголизм, редукция, гиёҳвандлик каторида **суицидни** танлаши мумкин.

**Суицид** (лот. *sui* – ўзини + *caedere* - ўлдириш) – инсоннинг «ўзини-ўзи ҳаётдан маҳрум этиш ниятидаги хулқ» маъносини англатади ҳамда девиант хулқнинг бир кўриниши ҳисобланади. Суицид ҳодисасини тадқиқ этишнинг мураккаб томони шундаки, шахснинг суицидал хулқ-атворини маълум бир шаблонга солиб, уни стандарт қонуниятлар асосида ўрганиб бўлмайди. Хусусан, ҳар бир хотин-қизнинг шахс бўлиб шаклланадиган оилавий, ижтимоий муҳити, индивидуал-типологик хусусиятлари турличадир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, хотин-қизларнинг кризисли вазиятга нисбатан реакция билдириши такрорланмас характерга эгадир. Хусусан, суицидни амалга оширишга ундаган мотив ҳар бир ҳолатда индивидуал характерли бўлса-да, унинг келиб чиқишига туртки бўладиган ижтимоий омилларда муайян ўхшашликлар бор. Демак, суицидни келтириб чиқарувчи омиллар кўпроқ психологик ва ижтимоий психологик сабаблар билан изоҳланиши мумкин.

Шу боис аёлларнинг суицидал хулқини юзага келишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик хусусиятларни ўрганиш бизнинг тадқиқот мақсадимизни ташкил этди.

Илмий изланишимиз давомида биз суҳбат, кузатиш, стандартлашмаган интервью, контент-анализ, Э.Шнейдманнинг «Психологик эҳтиёжлар сўровномаси», Р.Кеттелнинг 16-факторли «Шахс хусусиятларини аниқловчи» методикаси, А.Басс ва И.Даркнинг «Агрессия шакллари ва унинг кўрсаткичларини диагностика қилиш» методикаси, Г.Айзенкнинг темперамент типлари ва хусусиятларини диагностикасига мўлжалланган тест-сўровномаси, махсус ишлаб чиқилган сўровнома; В.Г. Ромек томонидан ишлаб чиқилган «Суицид хавфини баҳоловчи шкала»нинг мослаштирилган варианты; Математик статистика методлари (Пирсоннинг корреляция коэффициенти, Стюдентнинг t-мезони, факторли таҳлил)дан фойдаландик.

Тадқиқотимизда қатнашган жаъми респондентлар: суицидга уринган (ўз жонига қасд қилишга уриниб, тирик қолган), суицидал ниятли (ўз жонига қасд қилишга уринмай, фақат суицидал фикрда бўлган) ҳамда натижаларни таққослаш мақсадида суицидга уринмаган ва маълум бир зиддиятли, инкирозли вазиятда мунтазам равишда суицидал фикрда бўлмаган (назорат гуруҳи) хотин-қизларни ташкил этади.

Ўтказилган тадқиқот натижаларидан олинган эмпирик матеариалларни факторли таҳлил этиш асосида хотин-қизларнинг суицидал мойиллигига хизмат қилувчи етакчи факторларни аниқлашга муваффақ бўлдик.

Жумладан, юқорида изоҳланган 3та гуруҳдаги респондент **хотин-қизлар** шахсиятидаги етакчи факторлар қуйидаги тартибда акс этди (1-жадвал):

**1-жадвал**

**Респондент хотин-қизлар шахсиятидаги етакчи факторлар**

Синалувчи хотин-қизларнинг хусусиятлари		
Суицидга уринганлар	Суицидал ниятлилар	Назорат гуруҳидагилар
нонконформлилик	адоватлилик	иродалилик

конформлилик	дипломатлиликнинг етишмаслиги	мулоқатмандлик
юқори ҳиссиётлилик	ригидлик	меъёридаги ҳиссиётлилик
ишонувчанлик	восита сифатидаги “суицидал ният”	воқеиликка ижобий муносабат
суицидал таваккалчилик	манткий фикрлаш кўламининг торайиши	ижобий йўналган мустақил фикрлилик
агрессивлик	хаёт моҳиятини чуқур англамаслик	ташаббускорлик
намоишкороналик	гипотимия (айбдорлик ҳиссига мойиллик),	эмоционал барқарор экстровертлик
нейротизм	импульсивлик	қатъиятлилик
абстрактлашган агрессия	таъсирчанлик	меъёрий ижтимоийлашув
аламзадалик		суицидал мойилликларни ифодалашдаги журъатсизлик

Демак, назорат ва экспериментал гуруҳ респондентлари шахс хусусиятларининг тадқиқот натижаларида кўринган ўзаро алоқадорликни қиёслашга асосан, суицидал хулққа мойилликни келтириб чиқарувчи салбий ва суицидал хавфни туғдирмайдиган - ижобий уйғунлашган ижтимоий-психологик хусусиятлар намоён бўлди.

Ижобий уйғунлашган хусусиятлар - суицидал мойилликни чеклаб, аввало шахснинг асл моҳиятини ташкил этувчи эҳтиёжларини қондиришга (ички уйғунликни ҳосил қилиш), шунингдек, ижтимоий муносабат талабларини қондиришга, бир сўз билан айтганда, шахснинг муваффақиятли ижтимоийлашувига имкон беради.

Салбий уйғунлашган сифатлар эса аксинча, шахснинг ички ва ташқи зиддиятларга дучор бўлишини таъминлаб, суицидал мойилликни юзага келтиришини кўрсатмоқда.

Шунингдек, тадқиқотимиз асосан уч типли суицидентлар гуруҳини ажратишга имкон берди:

**Конформ-нонконформ типли суицидентлар** - ўз камчиликларини қабул қилмаслиги, ўзлигини, имкониятларини адекват баҳолай олмаслиги, зиддиятли вазиятни реал баҳолаш, таҳлил қилиш лаёқатининг етарли эмаслиги сабабли стрессли вазиятларда ва зиддиятли пайтда ўзини қандай тутиш лозимлиги малакаларига эга эмаслиги оқибатида конформлилик билан умумий хулққа мослашиб ёки нонконформлилик билан негативизмни

намоён этган ҳолда суицидал фикрларни ифодалаш, суицид қарорини қабул қилиши ёки суицидга мойиллик юзага келиши мумкин.

**Вазиятга боғлиқ суицидентлар** – атрофдагиларнинг хулқ-атвори моҳиятини соғлом фикр билан адекват идрок этиш ва тушунишга нисбатан, унга зид келувчи (каузал атрибутцияга асосланган) атрофдагилар хулқ-атворини юзага келтирувчи мотивларни нотўғри ва реалликка номувофиқ тарзда тушунишга мойиллик – шахснинг атрофдагиларга мослашиш, улар билан гармоник (низоларсиз ёки самарали) муносабатларга киришишини издан чиқарганлиги туфайли, ҳаётий ҳодисаларни қадриятлилик ва аҳамиятлилик жиҳатидан даражаларга ажрата олмаслик оқибатида мотивацияга асосланмаган негативизм, аутоагрессия кўринишидаги суицидал актлар, мойилликлар юзага келиши мумкин.

Шахс томонидан инқирозли ҳолат деб қабул қилинган вазиятда – мослашиш, мулоқатмандлик учун зарур бўлган характер сифатларини кўрсатиш ва мос бўлмаганларини компенсациялашга (яшириш ёки бостириш), хизмат қилувчи тартибга солиш, созлаш (регулятив) лаёқати ва малакасининг етарли эмаслиги – **беқарор суицидентга** хос хусусиятдир. Улар зиддиятли вазиятларда, инқирозли ҳолатларда хулқ-атвор вариантларини қийинлаш, уларнинг энг мақбулини танлаб ўтирмасдан, оқибатларни кўз олдида келтирмасдан – истинктив, импульсив равишда суицидни намоён этиши мумкин.

Бундан ташқари, респондентларда ушбу ижтимоий-психологик хусусиятлар ҳам кузатилади:

- хушмуомалалик (ҳар доим, ҳаммага ёқишни, доимий равишда гуруҳ томонидан рад этилмасликни кўзлаш)

- деперсонализация - шахслик (ички ўз “Мени”ни қабул қилишга, ўз манфаатларига нисбатан, эътиборсиз равишда гуруҳ томонидан қабул қилинишга ёки эгоцентризмга кучли интилиш сифатида);

- мослашиш меъерининг бузилиши (вазиятни тўғри баҳолай олмаслик оқибатида, ҳаётий муаммолар, вазиятларга нисбатан ноадекват муносабат);

- тортинчоқлик (ўзини намоён этиш, ўзини тавсия эта олиш, мустақиллик лаёқатига тўсқинлик сифатида);

- ўзини-ўзи ноадекват баҳолаш (ўз имкониятларига ишончининг етишмаслиги, бадгумонлик ёки бунинг акси);

- таъсирчанлик, таъсир ўтказувчанлик (ҳиссий етукликнинг етишмаслиги (сензитивлик) туфайли ижтимоий таъсир, гуруҳ босими,

референт гурухнинг салбий таъсирларига берилувчанлиги, танқидларга чидамсизлик сифатида);

- хавотирлилиқ, айбдорлик хиссига берилиш (ўз кучига, мустақил, танқидий фикрлаш малакаларининг рағбатлантирилмаганлиги оқибати сифатида)

- маъсулиятсизлик (белгиланган маънавий меъёрларга беписандлик, бурч ҳиссининг етарли эмаслиги)

- иродасизлик (хаётий зиддиятлар, муаммоларни конструктив ечиш ўрнига, ўз ожизлигини намоён этиш, жабрдийда позициясида бўлиш);

- негативизм (толерантликнинг етишмаслиги оқибатида, сабрсизлик, қайсарлик билан кадриятларни радикал равишда рад этиш).

Шахс хусусиятларининг меъёрий уйғунлигини ташкил этувчи мослашганлик ва ўзини бошқариш (саморегуляция), ўзини намоён этиш (самоактуализация) параметрларини тўғри шакллантириш орқали суицидал хулқ профилактикасини амалга ошириш мумкин.

Демак, тадқиқотимизда олинган натижаларга асосан “Психотерапия ва психологик ёдам” хоналарида фаолият юрғизаётган ҳамда амалиётда ишлаётган барча психологларга қуйидаги тавсияларни келтирамиз:

- Суицидга уринган шахсларнинг экстровеертлик хусусиятларига эътибор бериш яъни, суҳбатлашишга, дардлашишга бўлган интилишларини ўз вақтида, самарали қондириш орқали улардаги хавотирланувчанликни сусайтириш ва ижтимоий мослашишнинг изга тушишига ёрдам бериш мумкин;

- ҳаддан ташқари юқори нонконформлилик, агрессивлиликни адекватлаштириш, экстровеертлик-интровоертлик хусусиятларни меъёрлаштириш тренинглари орқали суицидал хулқнинг юзага келиш хавфини олдини олиш мумкин;

- конформлилик хусусиятини коррекцияси жараёнида асосий эътибор негативизм ёки қайсарлик хислатларини бартараф этишга эмас, балки мустақиллик, эркин фикрлилик хусусиятларини шакллантиришга қаратилиши лозим;

- гурухнинг “босими”дан, рад этилишдан, маъсулиятдан чўчиб, ҳар қандай вазиятда мураса (компромисслик) йўлини тутиб, фикр-мулоҳазаларни бевосита (билвосита) билдириш, негативизм, ранжиш, мунтазам равишда адоватни ичида сақлаш каби ҳолатларда эмас, балки очиқ мунозара, тўғридан-тўғри ўз айбини тан олиш орқали муаммога ойдинлик киритиш малакаларини шакллантириш;

- авторитет, референт гуруҳларнинг салбий таъсирларига берилишнинг олдини олиш юзасидан тренинглار ташкил этиш орқали, мотивга асосланган, англаган ҳолда ўз йўналиши, қизиқишлари, кадриятларини шакллантириш кўникма-малакаларини ҳосил қилиш;

- шахснинг ўзига нисбатан адекват баҳосини, атрофдагиларнинг ҳар қандай баҳо беришларидан қатъий назар ўзгармаслигини, ҳиссиёт ва истакларини назорати кўникмасини таъминловчи, тренинглар ўтказиш;

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

2. Суицидология: прошлое и настоящее: Проблема самоубийства в трудах философов, социологов, психотерапевтов и в художественных текстах / Сост. А.Н.Моховиков - М.: Когито-Центр, 2001. - 569 с.

3. Хорни К. Женская психология. - СПб.: Восточно-Европейский институт психоанализа, 1993. - 224 с.

4. [www.anpsy.ru/content/mirovaya-statistika-suitsidov](http://www.anpsy.ru/content/mirovaya-statistika-suitsidov)